



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 29 ноябрь, № 234 (5908) • Жума

КЎКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь куни Кўксаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, унинг Хитой Давлат кенгаши Бош вазири сифатида Ўзбекистонга илк расмий

ташрифи ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифининг мантқиқий давоми эканини таъкидлади. Мазкур давлат

ташрифи яқунлари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишни, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртаси-

даги стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаганини қайд этди. Ўзбекистон учун Хитой ишончли ва муҳим ше-

рик бўлиб, ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг узоқ муддатли манфаатларини эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳурмат асосида йўлга қўйилган.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик деярли барча йўналишлар — сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда изчиллик билан жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган икки давлат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, янги, авваламбор, юқори технологиялар соҳасида фаолият кўрсатадиган қўшма корхоналар ташкил этишдан томонлар бирдай манфаатдор эканлигини яққол тасдиқлади.

2013 йилнинг тўққиз ойи яқунларига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу бутун 2012 йилдагидан анча кўпдир. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 488

қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2002 йилдан буён Хитой сармояси иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард долларлик бир неча лойиҳа амалга оширилмоқда.

2012 йилдан Хитойга Ўзбекистон табиий газ мунтазам етказиб берилмоқда. Айтиш пайтда “Ўзбекистон — Хитой” газ қувурининг учинчи линияси барпо этилиб, тўртинчи линияси лойиҳалаштирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Ўрта Осиёдан ХХРга табиий газ экспорти ва транзитини кенгайтириш имконини беради.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига оид бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ли Кэцян самимий қабул, ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА).
Сарвар ЎРМОҲОВ
олган сурат.

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Хиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва маданий-гуманитар доиралари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Деҳлида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Муҳим санага бағишланди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодийни куриш, мамлакат халқи учун фаровон ҳаётни барпо этиш йўлида муҳим ҳуқуқий пойдевор сифатида хизмат қилиб келаётгани қайд этилди.

Шу ўринда мамлакатимиз Асосий Қонунда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари сўзсиз амалга оширилиши кафолатлангани алоҳида таъкидланди.

Брифинг чоғида 2013 йилнинг 9 ойида республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ижроси доирасида мамлакатимизда рўй бераётган кенг қўламли ўзгаришларга доир маълумотлар ҳам тадбир қатнашчи-

лари эътиборига ҳавола қилинди.

— Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ўзининг мустақил тараққиёт йўлини тўғри танлаб олган давлатдир, — деди Деҳли университети профессори, доктор Халид Алви. — Мамлакатимиз Конституцияси дунёнинг кўпгина демократик давлатларида конституциявий курилиш соҳасида эришилган илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини ифода этган. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умум-эътироф этилган меъёрлари ҳамда бу соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган. Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини, унинг эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмининг ҳам ўзида муҳасамалаштирганки, мамлакатимиз Конституцияси ана шундай жиҳатлари билан эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда). >>>

Қисқа сатрларда

● Бухорода Абу Али ибн Сино таълимоти-нинг фан тараққиёти-даги ўрнига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда Франция, Жанубий Корея, Индонезия ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар иштирок

этди. Тадбир якунида аллома меросини ўрганишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, Абу Али ибн Сино фаолиятининг турли йўналишлари бўйича долзарб масалалар ечимини топишга қаратилган илмий сессиянинг мувофиқлаштирувчи кенгаши тузиш борасидаги тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

● Термиз шаҳридаги 2-академик лицейда Конституцияимизнинг 21 йиллиги олдидан “Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури” деб номланган анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллий давлатчилик асоси”, “Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини оширишда Конституция ва қонунларнинг ўрни” каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

иштирок этган тадбирда сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган халқаро бизнес-форум ташкил этилди. Франция, Швейцария, Беларусь, Индонезия, Россия, Сингапур каби ўндан зиёд давлатлардан соҳа вакиллари, тадбиркорлар

● Навоий шаҳридаги “Қизилқумцемент” очик акциядорлик жамиятида “Тизимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъминлашда раҳбар ва масъул ходимларнинг роли ҳамда масъулиятини ошириш” мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ННТ фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кенг жалб этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Унда Парламент комиссияси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юрти раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда чуқур демократик ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базиси, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг янгиланишлар жараёнидаги фаол иштироки-

ни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилаёпти.

Пировадидида нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечишга кенг жалб этилаётди. Бу эса одамлар тафаккурида демократик кадриятларни янада юксалтиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилаёпти.

Маълумки, мамлакатимизда “учинчи сектор” институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг

муҳим социал аҳамиятга эга лойиҳалари қўллаб-қувватлаб келинаётганида эркин намоён бўлмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида Парламент комиссияси қарорлари асосида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга 239 та лойиҳа 3,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда қўллаб-қувватлангани ҳам ана шундан далолат беради. Йиғилишда “Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ҳамда Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида жорий йилнинг август — сентябрь ойларида бўлиб ўтган “Обод уйим” давлат гранти танловининг иккинчи босқич яқунлари кўриб чиқилди.

муҳим социал аҳамиятга эга лойиҳалари қўллаб-қувватлаб келинаётганида эркин намоён бўлмоқда.

Эътиборлиси, вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи худудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,6 фоиз ортди.

(Давоми 2-бетда). >>>

Модернизация самараси

Урганч шаҳридаги “Даритал текстиль” масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 1 миллион 301 минг АҚШ долларилек модернизация қилиш ишлари амалга оширилди.

ИНТИЛИШ

Хориждан келтириб ўрнатилган илғор технологик ускуналар шарофати билан корхона қуввати икки баробар ошди, йилига 2 минг тонна

пахта толасини қайта ишлаш имконияти юзага келди. Шунингдек, қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

— Янги дастгоҳларимиз электр

қувватини тежаш, иш унумдорлиги юқорилиги, маҳсулот сифатини яхшилаши билан ажрალიб туради, — дейди корхона раҳбари Суяруб Сапаев. — Бу эса харидорларимиз сифатининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Эътиборлиси, вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи худудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,6 фоиз ортди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда йирик sanoat корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

11

фоизга
камайтирилди.

Электр энергиясини тежайдиган технологияларни жорий қилиш, технологик жараёнларни оқилона ташкил этиш, хом ашё сарфида йўқотишлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларга барҳам бериш натижасида ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

(Давоми 2-бетда). >>>

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ **Ширин шаҳрида бир йўла иккита мебелсозлик корхонаси фаолият бошлади.**

Истиқболли лойиҳалар

Хусусан, ҳозиргача замонавий эшик ва дераза ромлари ясаш ҳамда ўрнатиш билан шуғулланиб келаётган “Еруғ нур” масъулияти чекланган жамияти мебелъ жихозлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бунда Германиядан келтирилган қиймати 80 миллион сўмлик илгор ускуналар асқотди. “Азимов Бахтиёр” хусусий корхонаси эса 105 миллион сўмлик маблағ эвазига ташкил этилди. Ҳозир бу ерда йилга 350 нафар турли мебелъ маҳсулотлари тайёрлаш имконияти мавжуд. Эйтиборлиси, ҳар икки корхонада ҳам уй-рўзгор ҳамда идора жихозлари буюртмачилар талаб-истакларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган. Мазкур истиқболли лойиҳалар туфайли 20 та иш ўрни яратилди.

Аҳмадоли ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Бухоро вилоятида бунёдкорлик ишлари қамрови йил сайин кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда қурилиш юмушлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 8,7 фоиз ошгани фикримиз тасдиғидир.**

Қурилиш бозорида янги маҳсулот

Шуни инобатга олган “Ceiling production” масъулияти чекланган жамияти қурилиш бўлими пластик маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда банк томонидан ажратилган 400 миллион сўмлик кредит маблағи ҳамда тадбиркорнинг ўз сармояси асқотди. Бухоро шаҳрида фаолиятини бошлаган

мазкур янги корхонада йилга 300 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ишбилармонлик фикрича, уй ҳамда офислар шифти учун мўлжалланган бу маҳсулот сифати ва кўракчилиги билан қурилиш бозоридан ўз ўрнини топади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Ғузорлик тадбиркор Дилшод Муртазоев мевалардан мураббо ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.**

Дастурхон файзи

— 30 минг АҚШ долларига хоридан мевани қайта ишлайдиган замонавий технологик ускуна келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор. — Тез орада ишимиз юришиб кетди. Ҳозир 10 кишилик жамоамиз билан кунига 700 килограмм маҳсулот тайёрлаёмиз. Таъкидлаш керакки, Қашқадарё вилоятининг саннат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2016 йилгача туманда 54 та лойиҳа амалга оширилади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ **Навбахор туманида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қадоқлашга ихтисослаштирилган корхона ишга туширилиб, унга “Отабекнинг орзулари” деб ном берилди.**

Ишлаб чиқариш ва назорат

— Дастгўҳларимиз компьютерлаштирилган бўлиб, улар махсус дастурлар ёрдамида бошқарилади, — дейди корхона раҳбари Ўткир Рўзиков. — Шу боис агар маҳсулот тайёрлашда муаммолар юзага келса, ишлаб чиқариш жараёни автоматик равишда

тўхтади. Бу эса сифат назоратини таъминлашда кўл келмоқда. Ҳозир корхонамиз ёрлиги туширилган озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорга чиқарилаёпти.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мазкур танлов маҳалларни ободонлаштириш масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш йўли билан қишлоқ

лари, йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ вакилларидан иборат Йиғма ахборот-таҳлил гуруҳи ташкил этилган. Бу эса ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг молиявий жиҳатдан тобе

ННТ фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кенг жалб этилмоқда

жойларнинг ижтимоий инфратузилмаси, экологик ҳолатини яхшилаш ишларини амалга оширишга қаратилган, — дейди Жамоат фонди директори А. Тўраев. — Унга республикамизнинг турли минтақаларида фаолият юритаётган 123 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан 142 та лойиҳа аризаси қабул қилинди. Улардан 7 таси, шу жумладан, 2 таси электрон ва 5 таси босма оммавий ахборот воситаларидир.

Лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш бўйича Мустақил экспертлар гуруҳи, давлат органлари ҳамда Ишчи гуруҳининг хулосалари, таклиф ва тавсиялари ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг Парламент комиссияси томонидан 16 та лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 206,2 млн. сўм ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этиш лозимки, Жамоат фондининг маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан мониторингни амалга ошириш Парламент комиссияси зиммасига юкланган. Мазкур вазифани самарали адо этиш учун Парламент комиссияси ҳузурида Адлия ва Молия вазирлик-

бўлмаслиги, мустақиллигини мустаҳкамлаш, қўллаб-қувватланган лойиҳаларни мониторинг қилишга бошқа тузилмаларнинг ўзбошимчалик билан асоссиз аралашувиغا йўл қўймаслигининг муҳим кафолатидир.

Йиғилишда Йиғма ахборот-таҳлил гуруҳи аъзолари томонидан 2011 йилда Парламент комиссиясининг қарорлари асосида давлат гранти шаклида қўллаб-қувватланган лойиҳалар мониторингини ратификация қилиш тасдиғи қилинди.

Унга қўра, Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан рўйхатга олинган 125 нодавлат нотижорат ташкилоти, мустақил оммавий ахборот воситасининг 20 дан ортиқ лойиҳалари асосида 2011 — 2012 йиллар давомида қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилган. Хусусан, халқаро миқёсда 4 та тадбир ўтказилиб, уларда қўллаб-қўриқилган экспертлар иштирок этган. Ўз навбатида, республика миқёсда мингдан зиёд турли давра сўхбатлари, семинар, конференциялар ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди. Эътиборлиси, улар давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ўтказилиб,

қатъий ҳаётини позицияга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий онг ва мустақил дунёқарашни шакллантириш,

Эҳтиром ва эъзоз

инсон манфаатларини таъминлашнинг амалий ифодасидир

■ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари “Менинг азиз китоби” дастури орқали Конституция моҳияти, фуқаролар ҳаётидаги, хусусан, хотин-қизлар манфаатларини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришди. Айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўладиган нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан танишиш, уларнинг эзгуликка йўрилган ўғитларини келажак авлодга етказиш муҳимлиги, шубҳасиз, бунда фахрийларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлининг аҳамияти нақадар катта экани алоҳида қайд этилди.

Уч авлод вакиллари —

нурунийлар, ўрта ёшлилар ва ёшларнинг учрашувида оилада, жамиятда юксак обрў-эътибор, нуфузга эга бўлган фахрий аёлларнинг ҳаёт йўли, айти пайтда Ватанимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиб келётган хотин-қизларнинг эришаётган ютуқлари, муваффақиятлари йилгиланларга намуна қилиб кўрсатилди.

Шунингдек, эл-юрт ардоғидаги бир гуруҳ фахрий аёлларга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Эмёда АШУРОВА.

Муҳим санага бағишланди

■ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шартини давлат ҳамда жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, халқнинг муайян тарихий тажрибаси ва қабул қилинган мажбурий меъёроларга жавоб берадиган Конституциясининг ҳалқулиғидир, — дейди “Sociallook International” журнали бош муҳаррири Бҳушан Чанд Гупта. — Замонавий дунё тажрибалари шуни кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради. У умуминсоний ғояларга, тенглик, эркинлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ҳамда дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, мамлакатнинг миллий қўнунчилиги “Хабас корпус” институтининг жорий этилиши, жамиятда сиёсий партиялар ролининг тобора ошиб бораётгани сингари омиллар Ўзбекистоннинг демократик таъминлигига асосланган фуқаролик, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан огишмай олға бораётганини кўрсатади.

«Жаҳон» АА. Дехли

ҲАМКОРЛИК

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида дунёнинг қўллаб-қувватлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилди. Шу асосда иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳаларда изчил ҳамкорлик қилиб келинаёпти.

Ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш йўлида

Давлатлараро мулоқот ривожига Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда Словакия билан Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар динатилганига йиғирма йил тўлди. Шу муносабат билан Словакия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Павел Иван ўтган давр мобайнида ҳамкорликнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсий, бизнес ва савдо-сотик, маданий-гуманитар йўналишларда барқарор ушш суръатларига эришилганини

таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йилда Словакияга, Словакия Президенти Рудольф Шустернинг 2003 йил Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро самарали ҳамкорликни раванқ топтиришда асосий пойдевор бўлди. Мамлакатларни автотомбилсозлик, кимё ва электротехника индустрияси, ахборот-коммуникация технологиялари каби муҳим секторларнинг доимий юксалишини таъминловчи кенг ишлаб чиқариш салоҳияти йиғириниб туриб, Ўзбекистон ва Словакия иқтисодиёти барқарор ривожланаётган, шунингдек, нуфузли халқаро институтлар

томонидан бундай ижобий кўрсаткичлар келгусида ҳам давом этиши прогноз қилинаётган мамлакатлардир. Тадбирда айтиб ўтилганидек, давлатлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Буларни рўйбга чиқариш учун яқин истиқболда ҳар икки томоннинг тегишли давлат тузилмалари ўртасидаги самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда. Айни чоғда ўзбек — словак савдо қўмитасини ташкил этиш имкониятлари, икки давлат тадбиркорлик уюшмалари вакиллари кўргазмалар

ва бизнес-форумлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш шароитлари муҳокама этилди. Анжуманда Ўзбекистонда Словакиянинг фаол ишлаётган “PSS Svidnik”,

ча тажриба алмашиши янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар соҳаларда қўлга киритилган натижалар ҳам диққатга sazovor. Хусусан, ўзбекистонлик бир қатор талабалар ва ўқитувчилар Словакия томонидан қўллаб-қувватланаётган “Еразмус Мундус” алмашув дастурида иштирок этиб келмоқда. Ҳукумат стипендиялари доирасида ўзбекистонлик ёшлар Нитра ва Братислава шаҳарларидаги словак университетларида ўз билим ҳамда тажрибаларини ошириш имкониятига эга бўлаётди. Жорий йилдан бошлаб Словакия Миллий стипендия дастурида иштирок этадиган мамлакатлар қаторига Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Бундан ташқари, давлатлар ўртасидаги ўзига хос тарихий аънаёларга эга ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда туризм ва маданият жабҳасидаги шериклик самарали воситадир. Матбуот анжуманида мазкур ва бошқа йўналишларда икки тарафлама фойдали алоқаларни янада кенгайтириш истиқболларига ҳам тўхталиб ўтилди.

С. ҚОСИМЖОНОВ.

ИЗЛАНИШ

Паркент туманидаги “Қайс гилам тўқиш” масъулияти чекланган жамиятида кўл меҳнати асосида тўқилаётган гиламлар нафақат юрти-мизда, балки хорижда ҳам қадрланади.

Паркент гиламлари довуғи

Шу пайтгача, асосан, МДХ ва Европа давлатларида маҳсулот сотаётган жамоа яқинда Канададан махсус буюртма олди. Эътиборлиси, хорижлик харидорлар корхона хунармандлари тўқийдиган ранг-баранг гилам ва гиламдўзлик маҳсулотларида онадидиримизнинг сўлим табиати ва хушманзара гўшалари тасвири акс эттиришни сўрашган.

Чиндан ҳам, жамоада миллий гиламдўзлик аънаёлари асосида тайёрланаётган маҳсулотни ҳеч иккиланмай, мўъжизага қиёсласа бўлади. Бу ерда асосий хом ашё сифатида табиий қўй юнгидан фойдаланилади. Хар бир маҳсулот моҳир гиламдўзларнинг синчков нигоҳи ва нозик диди билан сайқал топади.

Яна бир эътиборли жиҳати, жамиятда ишлаб чиқариш, асосан, касаначилик орқали йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда “Устоз — шоғирд” аънанеси асосида гиламдўзлик сир-синаотларини пухта эгаллаган 180 нафарга яқин хотин-қиз рўзгоридан ажралмаган ҳолда корхона буюртмаларини бажариб беришаётди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИМТИЁЗ, РАҒБАТ, ИМКОНИЯТ

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳоли даромади ортиб, турмуши янада фаровонлашиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш юзасидан қурилаётган амалий чора-тадбирлар туфайли ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан бойиб, уларни экспорт қилиш ҳажми ошмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Маҳаллий ишлаб чиқариш жараёни эса, том маънода, саннат тармоқларининг барқарор ривожланишига эришиш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда. Пойтахтимиздаги “Atlant Metal” масъулияти чекланган жамияти уч йил аввал ўз фаолиятини нотуражой биноларини ёритиш мосламаларини ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Жорий йилнинг август ойидан бошлаб бу ерда алюминий ва биметалдан радиаторлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Корхона раҳбари Владимир Пипкиннинг айтишича, ўтган даврда буюртмачиларга

1 миллиард сўмликка яқин маҳсулот етказиб берилди. “LIDER Line” савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган ушбу иситиш радиаторларининг бир неча тури мавжуд. Улар илҳамлиги, сифати ва дизайни жиҳатидан рақобатбардор бўлиб, турдошларига нисбатан электр энергиясини сезиларли даражада тежайди. Эътиборлиси, бундай маҳсулотлар илгари четдан импорт қилинарди.

Ушбу маҳсулотларнинг иситкилик ўтказиши чўян ва пўлат радиаторлардан тўрт марта юқори. Чидамлилиги эса етти атмосфера босимини ташкил этади. Биметалл радиаторнинг ичида махсус пўлат қоплама мавжудлиги боис уни

марказлашган иситиш тизимларига уланган кўп қаватли уйлarda ўрнатса бўлади. Қолаверса, улар Италия технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани таннархнинг ҳамёнбоп бўлишини таъминлаётди.

— Айни шу омиллар пировардида бир кунда уч секциялидан тортиб, 14 секциялига бўлган 250 та радиатор ишлаб чиқариш имконини бермоқда, — дейди корхона бош технологияси Обиджон Тошев. — Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган VII Халқаро саннат ярмаркаси ва Кооперация биржасида эса хорижликлар билан маҳсулотларимизни экспортга чиқариш юзасидан ҳам келишувга



эришдик. Бу, ўз навбатида, жамоамизни келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини янада кенгайтиришга давъат этмоқда. Мухтасар айтганда, “Atlant Metal” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари, ишчи ходимлари мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, берилаётган имтиёз ва қўрсатилган рағбатдан руҳланган ҳолда, иқтисодиётимизни янада оқсальтиришга муносиб хисса қўшаётганлар.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

Бахтиёр АҚРАМОВ олинган суратлар.

БИЗ ВА ДУНЁ

Брюсселда бўлиб ўтган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашуви чоғида гиёвандлик моддаларига қарши кураш ва бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

«Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашуви

Мазкур тадбирда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ҳамда тегишли тузилмалар, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг вакиллари иштирок этди. Республика делегациясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи ҳузуридаги миссияси вакилларида иборат бўлди.

Учрашув мобайнида унинг қатнашчилари Ўзбекистонда гиёвандлик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши кураш ҳамда наркоманиядан огоҳ қилиш бўйича курилатган чора-тадбирлар билан батафсил танишдилар.

Тадбирда Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, умумий манфаатларнинг негизида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш Тошкент ташқи сийосатининг ўзгармас устуворликлари эканлиги маърузачилар томонидан алоҳида таъкидланди. Шу маънода, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликка, жумладан, БОМКА ва КАДАП сингари дастурлар доирасида чегараларни мустаҳкамлаш ҳамда наркотрафикка қарши курашиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Учрашувда қайд этилганидек, Ўзбекистонда наркотикларнинг ноқонуний айланishiни фош қилиш ва уни тўсиш, гиёвандлик тарқалишининг профилактикаси, бу соҳада идоралараро

ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мажмуавий тадбирлар фаол равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш воситасида Марказий Осиё ҳамда Европа Иттифоқи шериклигини мустаҳкамлаш гиёвандлик тарқалиши билан боғлиқ хавф-хатарларга қарши туришда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги юзасидан учрашув қатнашчилари яқдил фикр билдирдилар.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили П. Флор янги ишлаб чиқилган Гиёвандликка қарши кураш бўйича 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» Харакат дастури томонларнинг бу соҳадаги асосий вазифаларини белгилаб берадиган ҳужжат бўлиб қолишини айтди. П. Флорнинг маълум қилишича, мазкур Харакат дастурида минтақа мамлакатлари вакиллари томонидан билдирилган тақлиф ва фикр-мулоҳазалар, давлатларнинг ўзига хосликлари ҳамда наркотикларга қарши кураш соҳасидаги энг долзарб муаммолар ҳисобга олинган.

Брюсселдаги учрашув якунлари бўйича қабул қилинган қўшма коммюникеда томонлар гиёвандликка қарши кураш борасида бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишларини баён этдилар.

«Жаҳон» АА.
Брюссель

КИЧИК БИЗНЕС

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес субъектлари сони 1 минг 745 тага кўпайиб, бунинг ҳисобига 29 минг 366 кишининг бандлиги таъминланди. Қолаверса, мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 65,8 фоизга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилди.



Сифат — корхона кўзгуси



Табиики, бунда минтақадаги тижорат банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 204,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани муҳим омил бўлмоқда. Амударё туманилик тадбиркор Жалғас Боймуродов ҳам ана

шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз бизнес лойиҳасини рўёбга чиқарди. Пировадиди кўп тармоқли «Мангит Инвест плюс» масъулияти чекланган жамиятида янги турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Дастлаб пойабзал ишлаб чиқариш ва тикувчилик йўналишида фаолият бошлаган эдик, — дейди иш юритувчи Соатбой Абдуллаев. — Жорий йил бошида эса Хитой давлатидан келтирилган илгор технологиялар асосида қандолатчиликни йўлга қўйдик. Бу орқали жамоамиз аъзолари сони 60 нафарга етди. Ҳозир улар томонидан бир кеча-кундузда 1 тоннагача конфект ва печенье маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилаётипти.

Дарҳақиқат, сифат — корхона кўзгуси. «Мангит Инвест плюс»нинг рақобатбардosh маҳсулотлари харидорлар эътирофини қозонаётгани бунга мисол бўла олади. Айни пайтда корхона ёрлиги билан 3-5 килограмм сифатли илгор маҳсулотларга қадокланаётган ширинликлар Оролбўйи аҳолиси дастурхони фойдасига фойз қўшмоқда.

Ҳидоят АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шоҳмурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Буюк Британия почта хизмати — «Royal Mail» жорий йилнинг апрель — сентябрь ойларида мўмай даромад кўрди.

Даромади кўпаяди



Лаг тушумининг 51 фоизини он-лайн савдолари орқали қўлга киритган.

Муассаса ушбу даврда 340 миллион евро миқдорда маблағ ишлаб олган. Бундай кўрсаткич кредитлардан самарали фойдаланиш ва харажатларни қисқартириш орқали эришилган. Маълум қилинишича, «Royal Mail» умумий маблағ тушумининг 51 фоизини он-лайн савдолари орқали қўлга киритган.

Ижобий кўрсаткич

Жаҳонга машҳур «Tiffany & Co» заргарлик уйи жорий йилнинг учинчи чорагини 70 миллион евро миқдордаги соф фойда билан якунлади.

Бунда август — сентябрь ойларида жаҳон бўйича унинг маҳсулотлари савдоси етти фоизга ошгани муҳим аҳамият касб этди. Натижада умумий маблағ тушуми 673 миллион еврога етган.

Ижобий кўрсаткичлар «Tiffany & Co»нинг қимматли қоғозлар бозоридаги мавқеини ҳам юксалтирди. Масалан, Нью-Йорк биржасида унинг акциялари баҳоси олти фоизга кўтарилди.

Издан чиқиб кетди

АҚШнинг Огайо штатида кимёвий моддаларни олиб кетаётган юк поезди рельсдан чиқиб кетди.



Фалокат оқибатида кучли захарли модда бўлган тўртта вагонга зарар етган. Бу кимёвий унсурлар тез реакцияга киришиб, портлашга олиб келиш эҳтимоли борлиги айтилмоқда. Шу боис воқеа юз берган Уиллард шахрида яшовчи беш юз нафарга яқин одам вақтинча хавфсиз жойга кўчирилган. Халок бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Антиқа харид


«Summers Place Auctions» (Буюк Британия) аукционда динозавр скелети 650 минг АҚШ долларига сотилди, дея хабар беради «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги.

Жуда яхши сақланган ушбу ҳайвон қолдиқлари АҚШнинг Вайомонг штатида тош йўнсувчилар томонидан топилган эди. Кейин эса у Нидерландияга текшириш учун олиб

кетилган. Шундан сўнг скелет йнгиш учун Буюк Британияга жўнатирилган. Динозавр қолдиқларининг янги эгаси ўзини ошкор қилмасликларини сўраган.

Стадиондаги фожиа

Футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг очилиш маросими ўтказилиши режалаштирилган «Арена Коринтианс» стадионда фожиа юз берди.



Сан-Паулу шахрида жойлашган мазкур иншоотда қурилиш ишлари олиб борилаётган эди. Ана шу жараёнда унинг трибунасига кран қулаб тушган. Оқибатда уч киши ҳаётдан кўз юмган, икки нафар одам жароҳатланган. Стадионга ҳам жиддий зарар етган. Мамлакат ҳукумати воқеа юзасидан тергов ўтказилишини, юзга келган муаммо тезда бартараф этилиб, барча тайёргарлик ишлари белгиланган мuddатда якунланишини билдирди. Шу йилнинг апрель ойида Сан-Паулуда бошқа бир стадион — «Арена Палестра»да ҳам кўнгилсиз воқеа юз бериб, бир киши ҳаётдан кўз юмганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига тақлиф қилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 30 декабрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:

1. Бувайда тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 8 апрелдаги 15-1305/8376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона вилояти ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ, Бувайда тумани «Қишлоқхўжаликкимё» шўба қорхонасига қарашли, Бувайда тумани, «Янгикўрғон» ҚФЙ, Чиркай қишлоғида жойлашган, умумий майдони 73,50 кв.м., фойдаланиш майдони 37,87 кв.м. бўлган ҳовли-жой бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 9 299 014 сўм.
2. Марғилон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2013 йил 11 апрелдаги 1-523/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Байналминал» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 201-уй олдига жойлашган, умумий майдони 41,69 кв.м., фойдаланиш майдони 48,58 кв.м. бўлган салқин ичимликлар билан савдо қилувчи дўкон бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 15 168 714 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 27 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона ш., Бурхониддин Марғиновий к., 22-уй. Тел.: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

1965A/105

БЕНЗОВОЗ

на базе шасси «ISUZU», «КамАЗ»

Под заказ

АВТОЦИСТЕРНА-ВОДОВОЗ

на базе шасси «ISUZU», «КамАЗ»

Под заказ

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС

на базе шасси «КамАЗ» (6х6) вездеход на 20 — 24 чел.

Под заказ

ПОЛИВОМОЕЧНУЮ МАШИНУ

на базе шасси «ISUZU», «КамАЗ»

Под заказ

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Тел. (8-371) 262-63-45. Тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, 808-88-17 www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:

АВТОКРАНЫ грузоподъемностью 16 т, 25 т, 32 т, 50 т

Под заказ

САМОСВАЛЫ

на базе «HOWO SINOTRUCK» грузоподъемностью 20 т, 25 т

Под заказ

КРАНЫ-МАНИПУЛЯТОРЫ

на базе шасси «ISUZU», «КамАЗ» 2,6 т, 5,3 т

Под заказ

Телефоны:
(8-371) 262-63-45,
тел./факс: 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 808-88-17

www.ttemz-kran.uz

1943R/1005

Тиббиёт янгиликлари ва долзарб масалалар

Самарқанд тиббиёт институтида морфологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда нафақат мамлакатимиз, балки МДХ давлатларидан ҳам соҳа мутахассислари иштирок этди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Маълумки, тиббиётда организмнинг таркибий тuzилишию касаллик жараёнида хужайраларда содир бўладиган турли ўзгаришларни морфология соҳаси ўрганган. Шу боис фундаментал фанлар сирасига кирувчи, хасталикларнинг ўз вақтида олдини олиш, инсон танасини чуқурроқ ўрганиш имконини берувчи мазкур соҳага мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. — Тиббиётда ўзаро таъриба алмашишнинг аҳамияти катта, — дейди

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технология асосидаги боғ

Академик М. Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг таъриба хўжалигида япон технологияси асосида олма, шафтоли боғлари барпо этилди. Илғор агротехникага асосланган мазкур боғлар серхосиллиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

ТАЖРИБА

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) кўмагида рўёбга чиқарилаётган ушбу лойиҳа юртимизда боғдорчиликни янада ривожлантириш, ички бозорни юқори навли мевалар билан тўлдирishi ҳамда тармок импортини кескин қисқартириши кўзда тутлади. — Айни пайтда япон технологияси асосида 2 гектар майдонда олма ва шафтоли нўхталарни парваришляяпмиз, — дейди институт илмий ходими М. Эшонқўжаев. — Бу технологиянинг моҳияти сонга эмас, аввало, сифатга эътибор қаратишни кўзда тутлади. Масалан, мева даракларига «айри» услубида шакл бериш орқали уларнинг юқорилаб эмас, ёнлаб

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Вакилларимиз халқаро турнир ғолиби

Алматы шаҳрида сув полоси бўйича ўтказилган Козогистон очик чемпионатида Наманган вилояти вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Мусобақа ўн беш ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида уюштирилди.

Халқаро турнирнинг қизлар ўртасидаги беллашуварларида Наманган вилояти жамоаси олтин медални кўлга киритди. Бунда Хуринисо Қаҳорова, Галия Байкеева, Зарина Жамолдиннова, Сабина Валитова, Севара Икромова ва Дарья Титова каби ёш истеъодларимизнинг маҳорати муҳим аҳамият касб этди. Мусобақада ўсмирларимиз бронза медални билан тақдирланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эълонлар

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич олиб тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдурахмон Жомий маҳалласи, Амир Темур кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 481,78 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 295,67 кв.м. бўлган 0020-литердан иборат АЁҚШ мол-мулклари мулквий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 211 590 753 сўм.
- Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги 12-1206/13082 (27.1), 2012 йил 4 октябрдаги 12-1212/12667-сонли, 2013 йил 11 мартдаги 12-1306/1669 (30)-сонли ва 2013 йил 15 апрелдаги 12-1306/2060-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Темир йўл кўчасида жойлашган, майдони 874,61 кв.м. бўлган гуруч заводи бино-иншоотларининг 0032-литердаги гуруч заводи биноси ва 0033-литердаги макарон цехи биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 1 235 122 683,3 сўм.
- Аукцион савдоси 2013 йил 17 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 13 декабрь куни соат 18.00.
- Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишларга «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшапти.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишларга «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшапти. Фикримизни банк томонидан тадбиркорликни, хусусан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларга молиявий кўмак бериш борасида олиб борилаётган қатор чора-тадбирлар ва уларнинг самаралари тахлили асосида давом эттирсак.

«Микрокредитбанк» фаолиятида ушбу тамойил муҳим ўрин тутди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Микрокредитбанк» томонидан жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига 451,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бунда имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 216,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Натижада жойларда 92 миңдан зиёд иш ўринлари яратилди. Иўналтирилаётган имтиёзли кредитлар жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.

Банк 2013 йилнинг ўтган даврида 5 миңдан зиёд ёш оилага 35 миллиард сўм имтиёзли

кредитлар ажратди. Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш йўналишидаги бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилган 57,6 миллиард сўмлик сармоялар эвазига 15 миңдан ортиқ иш ўрни вужудга келди. Бу жойларда гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, алоқа ва ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган шохобчалар сафининг кенгайишига имкон берди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги корxonалар фаолиятини йўлга қўйишда коллеж битирувчилари фаол иштирок этмоқда. Хусу-



Реклама ўрнида

Рўёбга чиққан орзу

Келажакимни тадбиркорлик соҳасида кўраман. Негаки, коллежда эгаллана касбий шунга мос келадим. Аммо иш бошлаш, фаолиятни ривожлантириш учун билим ҳамда касбий кўникмадан ташқари, малака, таъриба ва албатта, молиявий мадад ҳам керак.

Оилаларга қулайлик

Пахтабод туманидаги «Комил нури сурури» хусусий корxonаси хунаримандлари томонидан янги асбоб ва кўрнинидаги мебель жиҳозларига буюртма берувчилар сони кун сайин ортмоқда. — Ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этишда «Микрокредитбанк»нинг 50 миллион сўм кредити кўл келди, — дейди хусусий корхона раҳбари Нозимжон Жўраев. — Сўнгги уч ой давомида аҳоли буюртмасидан ташқари, туманимизда ёш харбий оилалар учун барпо этилган ўндан ортиқ уй-жойларга ҳам 30 турдан зиёд мебель жиҳозлари тўпламини етказиб бердик. Шунингдек, корхонада йилга 1000 квадрат метр ҳажмда алюминий эшик-роллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. — «Микрокредитбанк» билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз тўғрисида кўпга йўлқариш қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришяпмиз, — дейди тадбиркор. — Банк фаолиятдан миннатдоримиз.

Нурулло НЎЪМОНОВ, Андижон вилояти

Ташаббусларимиз қўллаб-қувватланмоқда

Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониётлар яратиш берилаётгани биз, тадбиркорларни янги марралар сари ундамоқда.

«Микрокредитбанк»нинг тадбиркорлар учун ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш, хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш каби аниқ мақсадга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларини янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Ўзимиздан қиёс, банкнинг молиявий мадади билан тивув ва тўқув цехи ташкил қилиб, тўрт нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Янги цехимизни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозладик. Айни вақт-

Моҳина БОБОҚУЛОВА, тадбиркор. Навоий вилояти

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг муштажам таянчига айланиб бормоқда. Бу жараёнда ёшларнинг, баркамол авлод вакиллариининг иштироки, ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ёшлар келажакимиз эгаларидир.

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келлаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш

га алоҳида эътибор қаратаётганининг боиси ҳам шунда. Бунинг самараси ўларок, бугун жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорни тўлдирishга хизмат қилапти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг иштирокларини қўллаб-қувватлашга қўласташмоқдалар. Бу эса барчамизга алоҳида фахр бағишлайди.

Банк матбуот хизмати.

Маданият хабарлари



Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида «Сарчашма» расомлар ижодий гуруҳининг асарлари намойиши бошланди.

Сарчашма таассуротлари

Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўрғазмага Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги «Сарчашма» гуруҳига аъзо ўн беш нафар мусаввирнинг юртимиз манзаралари, самийи ва меҳнаткаш халқимиз ҳаёти акс эттирилган икки юздан зиёд асари намойиш қилинмоқда.

— Мусаввирлар ҳар йили юртимизнинг бир қатор сўлим гўшаларига сафар уюштирадилар, — дейди «Сарчашма» ижодий гуруҳи раҳбари, профессор Собир Раҳметов. — Бугунги кўрғазмада Ғилон, Шохимардон ҳамда Сарчашма сафари таассуротлари асосида яратилган энг сара тасвирлар ўрин олган.

Моҳира АДИЗОВА.

Навқирон авлод фестивали

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши ташаббуси билан юртимизнинг барча хўдудларида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестиваллари бўлиб ўтмоқда.

Мазкур акция Навоий вилоятининг туман ва шаҳарларида ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Спорт мусобақалари, давра суҳбатлари ҳамда таникли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари тадбирга алоҳида файз киритди.

— Туманимиз ёшлари ҳам фестивални катта қизиқиш билан кутиб олдилар, — дейди «Қамолот» ЕИХ Нурота тумани Кенгаши раҳбари Жамшид Бобоназаров. — Турли лойиҳалар доирасида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмун-моҳияти юзасидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, «Виждонли сотувчи» акцияси доирасида бевосита ёшлар иштирокида тамаки ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи шохобчаларда рейдлар ташкил этилди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

Т/р	Кафедра номи	Лавозими
1.	Табиий товларни дастлабки ишлаш	кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент
2.	Технологик машиналар ва жиҳозлар	ассистент
3.	Назарий ва амалий механика	катта ўқитувчи, ассистент
4.	Инглиз тили	ассистент
5.	Меҳнат муҳофазаси ва экология	ассистент
6.	Тиллар	катта ўқитувчи, ассистент
7.	Ипак ва йиғирish технологияси	доцент, катта ўқитувчи
8.	Тўқимачилик матолари технологияси	катта ўқитувчи, ассистент
9.	Чизма ва компьютер графикаси	катта ўқитувчи, ассистент
10.	Ижтимоий фанлар	ассистент
11.	Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси	доцент, катта ўқитувчи
12.	Либослар дизайни	ассистент
13.	Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси	катта ўқитувчи, ассистент
14.	Касб таълими	катта ўқитувчи
15.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	ассистент
16.	Олий математика	катта ўқитувчи
17.	Информатика ва ахборот технологиялари	кафедра мудири
18.	Кимёвий технология	кафедра мудири
19.	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси	кафедра мудири
20.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда бошқариш	катта ўқитувчи, ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, диплом ва аттестат нусхалари, илмий ишлар ҳамда иштироклар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтида ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, четдан танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 18-хона. Телефон: (8-371) 253-17-78.

Таъриятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун таърият жавобгар эмас.

Газета таърият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улўмурадov. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаxonаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5